

---

Ҳамдардлик: Абдуллажон ота Қодиров вафот этди

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Абдуллажон ота Қодиров бугун, 28 ноябр куни вафот этди.

98 ёшни қаршилаган отахон машъум урушнинг Ўзбекистон туманидаги сўнгги иштирокчиси, юрт озодлигига эришиш, тинчлик ва осудаликни барқарор мустаҳкамлаш йўлида оловли жанг майдонларида душманларга қарши мардларча курашган инсонлардан бири эди. У кишининг жасорати, матонати, ўрناق бўларли даражада кечирган умри неча-неча авлодлар учун ҳақиқий ибрат намунасидир. Абдуллажон ота сингари юртпарвар инсонларнинг ёрқин хотираси минглаб қалбларда мангу яшайди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги ва туман жамоатчилиги марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

2023-11-28 16:36:45